

## Тижорат молидан қийматини закотга чиқариш | Фикҳ дарслари (303-дарс)



15:32 / 17 октябрь 381

Инсон сотиб олган ҳар бир нарса ҳам тижорат моли бўлавермайди. Кўпгина нарсалар шахсий ва оилавий фойдаланиш учун ҳам бўлади. Фақат сотиб, фойда олиш ниятида олиб қўйилган нарсасигина тижорат моли ҳисобланади.

Уламоларимиз: «Тижоратда иккита асосий унсур: ният ва амал бор», дейдилар.

Ният – фойда кўриш мақсади бўлса, амал – олди-сотдидир. Ушбу икки унсур бир бўлгандагина, тижорат бўлади. Бири бўлиб, иккинчиси бўлмаса, тижорат йўқ бўлади.

Шунга кўра, биров ўзи учун бирор нарса олиб, уни ишлатиб юрса-ю, яхшироқ фойда чиқса сотиб ҳам юбориш мақсади бўлса, у нарса тижорат моли бўлмайди. Чунки уни аслида ўзи учун олган. Аксинча, сотиб фойда кўриш ниятида олган нарсасидан ўзи вақтинча, яхшироқ харидор чиққунча фойдаланиб турса ҳам, у нарса тижорат моли ҳисобланади.

Ушбу нарсани «Сотмайман, ўзим фойдаланаман», деб ният қилиб, фойдаланиб юрса, тижорат молилигидан чиқади, закот бермайди.

Тижорат молларидан закот фарз бўлишининг шартлари ҳам худди пулдаги шартларга ўхшайди. Яъни нисобга етиши, бир йил тўлиши, қарздан холи

бўлиши ва ҳожати аслиядан ортиқ бўлиши зарур.

Закот бериш вақти келганда тожир ўзининг қўлидаги ва ҳисоб рақамидаги пулларини, савдога қўйилган моллари ва одамларга берган қарзларидан қайтиб келишига кўзи етганларини жамлаб ҳисоблайди, сўнгра жами маблағнинг икки ярим фоизини закотга чиқаради.

Ҳисоблаш вақтида тижорат дўкони бинолари, бинонинг асбоб-анжомлари, тижорат моллари қўйиладиган жойлар, пештахта ва шунга ўхшаш сотувга қўйилмаган нарсалар ҳисобга олинмайди. Тижорат молларининг қиймати закот чиқарилаётган кундаги баҳосида ўлчанади.

Закотни тижорат молларининг ўзидан чиқарса ҳам ёки қийматини чиқарса ҳам бўлади. Аммо камбағалларга фойдалироқ бўлгани учун, қийматидан чиқарилса яхши бўлади.

ي ف م ي ق ل ا غ د ر و ج ي و  
، ة ر ا ف ك ل ا و ، ر ط ف ل ا و ، ة ا ك ز ل ا  
ك ا ل ه ل ا و ، ر ذ ن ل ا و ، ر ش ع ل ا و  
ط ق س ي ل و خ ل ا د ع ب  
ي ف ة ا ك ز ل ا و ، ه ت ص ح ب  
ب ج ي ف ، و ف ع ل ا ل ب ا ص ن ل ا  
د ع ب ك ل ه ن ا ض ا خ م ت ن ب  
ن م ر ش ع ة س م خ ل و خ ل ا

مَضِيَّو . اَرِيغَبَ نِيغَبْرَأُ  
 يَلِ لَوْحِ لَطَسَ وُدَا فَتَسُمْلَا  
 مَضِيَّو . هِسْ نَجْ نِمَّ بَأَصْن  
 ضُورُغَلْ أَوْ هَضْفَلَا يَلِ لِبَّهَذَا  
 مَأْمُتِ اَلْ هَمِي قَلِ اَبْ اَمَّهْ يَلِ ا  
 ي فُ هُنْ اَصْقُنْ وِ بَأَصْن نَلَا  
 اَهُمِي دُقَاتْ زَا جَوْ . رُدَّهْ لَوْحِ لَا  
 ي ذِلِّ بُّصُنْ نَلَوْ ، رَثْ كَأَوْ لَوْحِ ل  
 بِبَأَصْن

Закот, садақаи фитр, каффорат, ушр ва назрларда қийматини бериш ҳам жоиз. Бир йил тўлгандан кейин ҳалок бўлиши унинг ҳиссасича соқит бўлади. Закот нисобдадир, афв қилинган нарсада эмас.

Агар қирқта туядан бир йил тўлгандан кейин ўн бештаси ҳалок бўлса, бинти мухоз бериш вожиб бўлади.

Йилнинг ўртасида кўрилган фойда ўз жинсидан бўлган нисобга қўшилади.

Нисобни мукамал қилиш учун тилла кумушга ва тижорат моллари қиймати ила иккисига қўшилади.

**Нисобнинг йил ичида нуқсонга учраши ҳисобмас.**

**Закотни бир ва ундан кўпроқ йил учун олдиндан берса, жоиз.**

**Шунингдек, бир нисобга соҳиб бўлган киши бир неча нисобнинг закотини олдиндан берса бўлади.**

Ушбу матнларда закотга оид бир неча масала муолажа қилинмоқда.

Аввало, закот ва унга ўхшаш молиявий ибодатга бериладиган нарсаларнинг ўзини бермасдан, қийматини берса ҳам бўлиши ҳақида сўз бормоқда.

**Закот, садақаи фитр, каффорат, ушр ва назрларда қийматини бериш ҳам жоиз.**

Бу ҳақда ҳанафий мазҳаби уламолари: «Қийматини чиқарса яхши бўлади, баъзи вақтларда қийматини бериш мискин ва фақирлар учун манфаатлироқ ҳам бўлади», дейдилар.

Улар ўзларининг бу фикрларига жуда ҳам кучли ҳужжат ва далиллар келтирадилар. Ҳамаср уламоларимиз бу борадаги барча маълумотларни тўлиқ ва атрофлича ўрганиб чиқиб, ҳанафий мазҳабининг тутган йўли ҳозирги замон учун жуда ҳам муносиб, деган фикрга келганлар.

Закотга бериладиган ҳайвон ўрнига унинг қийматини берса бўладими?

Ҳанафий мазҳабида: «Закотга бериладиган ҳайвон ўрнига унинг қиймати берилса бўлади», дейилади. Қиймат ҳар юртнинг ўз нархларида ва закот берилаётган куннинг баҳосига қараб бўлади.

هُلِّلَا يُلِّصْ هَلَلَا لُؤْسَرِ يَأْر  
لِبِإِي فَمَلَسَوِ هِيَلَع  
ءَامُوكَ ةَقَانِ ةَقَدُّصَلَا  
لِقَوِ قَدُّصُمُ لِيَلَعِ بِضَعَفِ

مِئَارِكِ ذُخْأُ نَعْمُ كَهَذَا مَلَأُ  
لِاقَفِ «سَأَنْلِلِ لَأَوْمًا  
نُيْرِي غَبِبَ أَهْتُ دَخَأُ : يِعْأَسُ لَأ  
ةِ يَأُورِ يَفَوِ . ةَقَدَّصَلِلِ لِبِإِ نَم  
نُيْرِي غَبِبَ أَهْتُ غَجَّتُ رَأ : لَأَقِ  
يَلَّصِ هَلِلِ لَأُؤَسَّرَ تَكَسَفِ  
دَمْحَأُ هَأُورِ . مَلَّسَوِ هِيَ لَعُ هَلِلِ  
يِقَهِيَ بِلَأُ

Имом Аҳмад ва Имом Байҳақий ривоят қилган ҳадисда айтилишича:

**«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам закотга олинган туялар ичида ўрқачи баланд, катта туяни кўриб қолиб, закотчига:**

**«Сизларни одамларнинг яхши молларини олишдан қайтармаганмидим?» дедилар.**

**«Мен уни садақа туяларидан икки туянинг ўрнига олдим», деди садақачи».**

*Бошқа бир ривоятда:* **«Икки туянинг ўрнига қайтариб олдим», деди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам индамадилар», дейилган.**

Икки туянинг ўрнига бир туяни олиш қийматни олишга рухсат борлигини кўрсатади.

لَاقُ هُنَّ عُلَّالُ يَضَرُّ أذَاعُ مَنَّانُ  
 هَتَّعَبُ تُثِيحُ نَمَّيْلُ لَوْلَا  
 هَلَّلَا يُّلَّصُ هَلَّلَا لُؤْسَرُ  
 مِهَاتُ كَزُ دُخَالُ مَلَّسَوِ هَيْلَعُ  
 ضَرَّعَبُ يَنْوُتِيَا : أَهْرِيَّعُ  
 يَفِي سِي بَلُّ وَأُصِي مَخِي بَايْتُ  
 رِيَّعُ شَلَانَا كَمِ هَقْدُصَلَا  
 زِيَّخُ وَ مَكِّي لَعُ نَوَهَا هَزْدَلَا  
 هَلَّلَا يُّلَّصُ يُّبْنَلَا بَاخُصَالُ  
 هِنِّي دَمُّ لَابُ مَلَّسَوِ هَيْلَعُ  
 هَحِيَّخُ صِي فُي رَاخُ بَلُّ هَزْكَذُ

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муъозни Яман аҳлига,  
 уларнинг закотлари ва бошқа нарсаларини олгани юборганларида,  
 Муъоз уларга:

«Менга закотда арпа ва жўхори ўрнига ҳамийс ёки лабийс  
 кийимларидан беринглар. Бу сизлар учун энгил, Набий соллаллоҳу  
 алайҳи васалламнинг Мадинадаги саҳобалари учун хайрлидир»,

**деган».**

*Имом Бухорий ривоят қилган.*

**«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.